



# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ



# ИҚТИСОДИЁТ ВА

# ТАЪЛИМ

илмий журнали

2000 йилдан бошлаб чиқа бошлаган .

# 1

# 2013

ТАЪСИСЧИ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Таҳрир кенгаши раиси: и.ф.д., проф. Ваҳобов А.В.

*Таҳрир хайъати:*

и.ф.д., проф. Ходиев Б., и.ф.д., проф. Бегалов Б., и.ф.д., проф. Абдурахмонов Қ.,  
и.ф.д., проф. Алимов Р., и.ф.д., проф. Ахунова Г., и.ф.н., доц. Аҳмедов И.,  
Абдуллаев А., и.ф.н., доц. Гадов Э., академик Ғуломов С., Назаров Н., и.ф.д.,  
проф. Назарова Ф., Саидахмедов Ф., и.ф.д., проф. Хасанов Б., и.ф.д., проф.  
Холмўминов Ш., и.ф.д., проф. Раҳимова Д., и.ф.д., проф. Иминов О., и.ф.д., проф.  
Қодиров А., и.ф.д., проф. Шодмонов Ш.

Бош муҳаррир: и.ф.д., проф. Иватов И.

Тошкент Давлат иқтисодиёт  
университетининг «Иқтисодиёт»  
нашриёти томонидан нашрга тайёрланган.

Журнал Тошкент шаҳар Матбуот ва  
ахборот бошқармасида 02-0041-рақами  
билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-6130

© Иқтисодиёт ва таълим, 2013.

ТОШКЕНТ

## МУНДАРИЖА

### I. ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

Махмудов Э.	Созидательный потенциал науки.....	4
Абдураманов Х.	Ўзбекистон Республикасида демографик ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш.....	7
Холов Ж.	Қулай тадбиркорлик муҳити шаклланиши ва ривожланишининг назарий асослари.....	11
Хайитов А., Акбаров А.	Аҳоли бандлигини ошириш ва ишсизликни камайштиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	15

### II. ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Эрназаров О.	Худудий саноат ишлаб чиқаришини модернизациялашнинг аҳоли турмуш фаровонлигидаги ўрни.....	19
Акбаров Н.	Инновация сиёсати самарадорлигини оширишда маркетингнинг роли.....	22
Эрназаров Ғ.	Шаҳар коммунал хўжалигидаги иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизими қувватларини модернизациялаш.....	25
Атаниязов Ж.	Финансово-промышленные группы – основа инновационной экономики в условиях глобализации.....	29
Исмаилов Д.	Республика худудларида инвестиция жозибадорлигини ошириш ва уларни баҳолаш услубиетини такомиллаштириш.....	33
Рустамов Н., Джураев А.	Саноатни инновацияли ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш.....	37
Хомидов С.	Саноатда инновация ва ишлаб чиқариш омилларини эконометрик моделлаштириш.....	40

### III. МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ

Юсупова Ш., Юлдашева И.	Корхона экспорт салоҳиятини ривожлантиришда лизинг операцияларининг аҳамияти.....	44
Мирзаев Қ.	Агросервис самарадорлигини баҳолаш методологияси.....	47
Сафаров Б.	Туристтик кластердаги инновацион жараёнлар бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизми.....	51
Алимова М.	Ўзбекистонда туризм бозори ривожланишининг асосий динамик ва таркибий тенденциялари.....	54
Улугмуродова Н.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ижтимоий меҳнат муносабатларининг назарий асослари.....	58

### IV. МОЛИЯ ВА БАНК

Абдураупов Р.	Қўшма корхоналар фаолиятини молиялаштиришда молиявий левиридждан фойдаланиш услублари.....	62
Парпиев Б.	Тижорат банкларида маркетинг хизмати самарадорлигининг иқтисодий аҳамияти.....	67
Холбеков Р.	Бухгалтерия ҳисоби хизмати ва унинг ҳисобини ташкил этиш.....	71
✓ Абишов М., Адилчаев Р., Қутлымуратова Ғ.	Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёزلарни ривожлантириш.....	74
Odilov F.	The role of electronic commerce in the financial market.....	77

### V. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Абдусалямов Ф.	Халқаро тадбиркорликда йирик бизнесни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари.....	82
----------------	--	----

бухгалтерия ҳисоби хизмати” счётида ҳисобга олишни таклиф қиламиз. Ушбу счёт бўйича жараёнлар қуйида келтирилган бухгалтерия ҳисоби ёзувларида амалга оширилади.

1. Ҳисобга олинса:

Д<sup>Т</sup> 2494 – “Умуҳамамиятга эга бўлган бухгалтерия ҳисоби хизмати”;

К<sup>Т</sup> 0200 – “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар”;

К<sup>Т</sup> 0500 – “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар”;

К<sup>Т</sup> 1000 – “Материалларни ҳисобга олувчи счётлар”;

К<sup>Т</sup> 2500 – “Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар”;

К<sup>Т</sup> 6700 – “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар”;

К<sup>Т</sup> 6700 – “Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар” ва бошқа харажатларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича бухгалтерия ҳисоби ёзуви бериледи.

2. Ҳисобдан чиқарилса:

Д<sup>Т</sup> 9400 – “Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар”;

К<sup>Т</sup> 2494 – “Умуҳамамиятга эга бўлган бухгалтерия ҳисоби хизмати” бухгалтерия ҳисоби ёзуви бериледи.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик юритувчи субъектларда ташкил этилган бухгалтерия ҳисобининг хизмат тури сифатида тан олинishi, таннархнинг аниқланиши ва харажат турлари ўртасида тақсимланиши:

биринчидан, амалдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 7-сонли “Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш” номли моддаси 1-бандининг таъминланишига олиб келади;

иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳар бир сўмини аниқ сарфлаш мақсадида харажатларнинг пайдо бўлиш жойларини тўғри аниқлаш;

учинчидан, бухгалтерия ҳисобининг корхона иқтисодиётидаги ўрни ва қийматини аниқлаш имконини беради;

тўртинчидан, харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби услубияти такомиллашувига олиб келади.

#### Адабиётлар

1. Каримов И. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // *Халқ сўзи*, 2013 йил 19 январь.
2. Соколов Я.В. *Очерки по истории бухгалтерского учета.* – М.: Финансы и статистика, 1991. – 132 с.
3. *Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги қонуни*, 7-модда. 1996 йил 30 август.
4. *Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги қонуни*, 2-модда. 1996 йил 30 август.
5. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини шакллантириш таркиби тўғрисида»ги Низоми*. 54-қарори. –Т.: 1999й.
6. *Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандартларига шарҳлар тўплами.* –Т.: “NORMA”.2010.-173-б.

УДК: 336.2(575.2)

И.ф.н. М. Абишов, и.ф.н. Р. Адильчаев, Г. Кутлымуратова

#### Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни ривожлантириш

Мақолада иқтисодиётни эркинлаштириш шароитда қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш йўллари, солиқ юқининг оптимал даражасини аниқлаш масалалари кўриб чиқилган.

В статье рассматриваются вопросы по применению льгот по налогам на добавленную стоимость в условиях либерализации экономики, определения оптимального уровня налогового бремени.

The article examines the application of value added tax preferences in conditions of economy liberalization, determines the optimal level of the tax burden.

**Калитли сўзлар:** солиқ Кодекси, солиқ тўловлари, ишлаб чиқариш самарадорлиги, иқтисодий ўсиш, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи.

Солиқ давлат бюджети даромадлар қисмининг асосий манбаи ҳисобланади. Ҳозирги кунда тадбирколикка, ишлаб чиқариш субъектларига, қишлоқ хўжалиги маҳсу-

лотларини қайта ишловчи ва экспорт қилувчи корхоналарга солиқ юкини пасайтириш ҳамда имтиёзлар беришни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Солиқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларни такомиллаштирмасдан туриб, ишлаб чиқаришда, тадбиркорликда, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан уларнинг давлат бюджети билан бўлдиغان солиқ муносабатларига бевосита боғлиқ. Солиқларнинг рағбатлантирувчилик функциясини намоён бўлиш шаклларининг таркибида солиқ имтиёзлари ассосий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-209-моддаларида қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этиладиган операциялар рўйхати келтирилган. Хўжалик субъектлари имтиёзни қўллаганда маҳсулот (ишлар ва хизматлар) шартномавий баҳосини шакллантиришда ҚҚСни ҳисобламайдилар, бўшайдиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш шarti билан берилган имтиёзлар бундан мустасно.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган корхоналар, шунингдек, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқарувчилар моддий ресурсларни (ишлар, хизматларни) қўшилган қиймат солиғи билан бирга сотиб оладилар. Бунда сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи ишлаб чиқариш (муомала) харажатларига киритилади.

Таъкидлаш жоизки, ҚҚС бўйича имтиёзлар фақат бевосита Солиқ кодексининг 208, 209, 210-моддаларида санаб ўтилган товарларни ишлаб чиқарувчи, хизматларни кўрсатувчи ва ишларни бажарувчи шахсларга тегишли. Чунончи, агар тадбиркорлик фаолияти комиссия, топшириқ шартномалари ва воситачилик хизматларини кўрсатиш бўйича бошқа шартномалар асосида учинчи шахслар манфаатлари асосида амалга оширилса, кўрсатилаётган воситачилик хизматлари умумбелгиланган тартибда ҚҚСга тортилади. Бунинг натижасида воситачилик хизматлари, гарчи, имтиёзли товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ бўлса ҳам, ҚҚСга тортилади.

ҚҚС бўйича имтиёзларни қўллашда хўжалик субъектлари йўл қўядиган хато-ларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, имтиёзлар қўлланиладиган товарларни сотишда воситачи ташкилотларнинг имтиёзларидан ғайриқонуний фойдаланиши. Масалан, протез-ортопедик буюмларни ишлаб чиқарувчи корхона ўз маҳсулотини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ногиронлар жамиятига воситачи фирма орқали сотади. Протез-ортопедик буюмларни ишлаб чиқарувчи корхонада етказиб бериш қиймати 24 000 минг сўмни ташкил этади. Воситачи фирма етказиб бериш қийматидан (24 000 минг сўм) 10 фоиз миқдо-рида (ёки 2 400 минг сўм) товарни сотиш бўйича хизматлар учун комиссия мукофоти-ни қўллайди. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ (208-модда 5-банд) протез-ортопедия буюмларини реализация қилиш оборотлари ҚҚСдан озод қилинади. Кўпинча амалиётда ушбу имтиёзни воситачилик савдосида ҳам қўллайдилар. Бундай имтиёздан фақат ишлаб чиқарувчи корхона фойдаланиши мумкин, чунки бундай буюмларни реализация қилиш оборотлари (24 000 минг сўм) ҚҚСга тортилмайди. Воситачи фирма, агар у қонунчиликка мувофиқ ҚҚС тўловчиси бўлса, ўзининг вакиллик мукофотидан, яъни 2 400 минг сўмдан ҚҚС ҳисоблаши ва тўлаши лозим. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ, воситачилик шартномаси, топшириқ ёки воситачилик хизматлари кўрсатиш бўйича бошқа шартнома асосида ўзга шахснинг манфаатларини кўзлаб хизматлар кўрсатилган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ (фоиз) тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади (204-модда 13-қисми).

Шундай қилиб, воситачилик фирмаси учун солиқ солинадиган база 2 400 минг сўмни, ҳисобланган ҚҚС сумма эса 400 минг сўмни (2400x20/120) ташкил қилади.

Иккинчидан, имтиёзлардан фойдаланилганда ва солиққа тортиладиган оборотлар мавжуд бўлганда алоҳида ҳисоб юритилмайди, сотиб олинган товарлар, ишлар, хизматлар бўйича бутун ҚҚС суммаси эса ҳисобга олинади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ

кодексининг 221-моддасига кўра, солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мавжуд бўлганда солиқ солинадиган оборотга, шу жумладан ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборотга, шунингдек, юридик шахсининг ўз эҳтиёжлари учун (харажатлар сифатида қараладиган) оборотга тўғри келадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинади. Алоҳида-алоҳида усул қўлланилганда қўшилган қиймат солиғи тўловчи солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мақсадларида фойдаланиш учун олинган товарлар (ишлар, хизматлар) юзасидан харажатлар ҳамда қўшилган қиймат солиғи суммалари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритади. Бунда алоҳида-алоҳида ҳисобни юритиш имкони бўлмаган умумий харажатлар бўйича харажатларни тақсимлаш мутаносиб усулда амалга оширилади.

Учинчидан, ҚҚСни ҳисоблашга 5-иловада корхоналар қандай меъёрларга мувофиқ реализация оборотлари ҚҚСдан озод қилинганини кўрсатишлари керак. Бунда, шунга эътибор қаратиш лозимки, агар имтиёз Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси томонидан белгиланган бўлса, уни асослашда солиқ кодекси, модда, банд кўрсатилиши зарур.

Масалан, беморлар ва қарияларни парваришлаш бўйича хизматлар реализация оборотлари қўшилган қиймат солиғидан озод этилади. Бунда асослашда қўйидагича белгилаб қўйилади: “Солиқ кодекси, 208-модда, биринчи қисм, 3-банд”.

Агар имтиёз Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари билан белгиланган бўлса, уни асослашда ҳукумат қарори рақами ва банди кўрсатилади. Асослашда “2009 йил 10 августдаги ПҚ-1172-сонли қарор, 8-банд”, деб кўрсатилади. Асослашни тўлдирмаслик ҚҚС бўйича имтиёзларни асоссиз қўллашга олиб келади.

Тўртинчидан, солиқ тўловчиларга имтиёзлар берилаётганда уларни мақсадли қўллаш кўзда тутилиши ҳам, тўтилмаслиги ҳам мумкин. Амалиётда мақсадли қўллаш кўзда тутилган ва кўзда тутилмаган имтиёзларни қўллашда ҚҚСдан фойдаланишни чалкаштириб юборишади.

Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлашти-

риш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ (2005 йил 24 февралдаги ЎзР Молия вазирлигининг 29-сон, Давлат солиқ кўмитасининг 2005-25-сон ва Давлат божхона кўмитасининг 01-02/8-3-сонли қарори билан тасдиқланган, Қарор ЎзР Адлия вазирлигида 2005 йил 2 апрелда 1463-сон билан рўйхатга олинган) солиқлар ва божхона имтиёзлари бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан берилганда солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга ёзиш қонун ҳужжатларига мувофиқ умумбелгиланган тартибда амалга оширилади.

Имтиёзларни қўллаш ҳисобига бўшаган маблағлар суммаси мақсаддан ташқари фойдаланилганда ҚҚС суммаси ҳисобланмайди, ҳисобварақ-фактуралар ҚҚСсиз ёзилади, харид қилинадиган (шу жумладан, импорт қилинган) товар-моддий захира (товар)лар бўйича солиқ суммаси ҳисобга олиб борилмасдан, харид қийматига қўшилади.

Бирок кўпчилик корхоналар имтиёзлардан мақсаддан ташқари фойдаланганда ҳам ҳисобрақам-фактураларни ҚҚСни ажратган ҳолда ёзадилар, харидорлар эса ажратилган солиқ суммасини ҳисобга қабул қиладилар, бу эса ҳисобланган солиқ суммасининг камайишида акс этади.

Имтиёзлардан мақсадли фойдаланганда, яъни ҚҚС ҳисобланиб, у ҳисобварақ-фактураларда ажратиб кўрсатилганда, корхоналар ҚҚСни ҳисоблашга 5-илованинг давоми (2-илова)да (Ҳисобга қабул қилинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисоблаш) 3-устуннинг 0101-0104-сатрларида реализация солиққа солинадиган ва солиққа солинмайдиган қисми акс эттирилса-да, 0401-0402 сатрларда (пропорционал усулда ҳисобни юритганда солиққа солинадиган оборот учун харид қилинган товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича ҚҚС суммаси) ҚҚС суммаси 3-устуннинг 0101-0104 сатрларида белгиланган салмоқларга мувофиқ ҳисобланмайди. Тегишлича, 050-сатрда ҚҚС суммаси салмоқларни ҳисобга олмасдан акс эттирилади, гарчи реализация бўйича солиқдан озод қилинган оборотга тўғри келадиган ҚҚС суммаси маҳсулот реализациясининг умумий ҳажмида озод этилиши керак бўлган бутун реализация обороти салмоғига муво-

фик аниқланиши керак? Бундан ташқари, бундай корхоналар кўпинча ҚҚС бўйича хисоб-китобларни тақдим этмайдилар.

Шундай экан, бундай ҳолат бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини ва бўшаган маблағларни нотўғри аниқлашда ўз аксини топади. Бу эса корхонанинг ҚҚС бўйича бўшаган маблағлардан қонунчиликда белги-ланган мақсадларда фойдаланиши имкони-ятларини пасайтиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мам-лакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаш-тириш бўйича ижобий ишлар олиб борил-моқда. Бу жараёни янада такомиллашти-риш долзарб масала саналади. ҚҚС бўйича берилган имтиёзларни тўғри фойдаланиш корхона фаолиятин янада кенгайтиришга ва фойдасининг ошишига имконият яратади.

#### Адабиётлар

1. Солиққа оид қонун ҳужжатлари. – Т.: “Норма” МЧДК, 2008. – 416 б.
2. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришида солиқлар роли / Монография – Т.: Fan va texnologiya, 2008/ - 204 б.
3. Тошматов Ш.А., Комилов М. М. Қўшилган қиймат солиғи / Монография –Т.: Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси 2004. 180 б.
4. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет – солиқ сиёсати / Монография –Т.: Akademnashr, 2011. – 472 б.
5. Ваҳобов А.В., Жўраев А.С. Солиқлар ва солиққа тортиш –Т.: Шарқ, 2009. – 448 б.

UDK: 336:6П2.156(575.1)

F. Odilov

### *The role of electronic commerce in the financial market*

The article discusses the role of e-commerce in the financial market and the conveniences of using the e-commerce for businesses and consumers.

Мақолада, электрон тижоратнинг молия бозорига роли, электрон тижоратдан фойдаланиш компаниялар ва истеъмолчилар учун ҳам жуда қулайлиги ёритилган.

В статье рассматривается роль электронной коммерции на финансовом рынке и удобства использования электронной коммерции для компаний и потребителей.

**Key words:** electronic commerce, financial market, company, consumer, Internet.

We know that, the 21<sup>st</sup> century is the century in which technology is highly developed. Day by day, year by year, these kinds of technologies are giving a lot of opportunities for people all over the world.

We have chosen an evolutionary approach to the process of transition from an administrative-command to a market system of regulation, the road of gradual and phased reforms, acting in line with a well-known principle – “do not destroy the old house until you build a new one”[1].

During the financial crisis, spending less and earning more is very important in every companies of the world. That’s why, they are using electronic-commerce in their working process. Electronic-commerce is online purchasing process in internet and it is not only comfortable for companies, but also it is comfortable for consumers too. In this article we want to write about electronic-commerce and its role in financial market.

According to experts’ estimates using e-commerce opportunities by small business in Uzbekistan allows reducing distribution costs by 20-30 %. At the very beginning of the implementation of Information and Communication Technologies (ICT) in Uzbekistan many experts and specialists suggested to create necessary conditions for efficient performance of Internet in the sphere of economy. Mainly, they mentioned that creation of legislative base for conducting business, creation of appropriate financial conditions for making business transactions, altering the literacy of population in the sphere of ICT and especially Internet shopping, altering the readiness of entrepreneurs to conduct their business via Internet[2].

The main achievement of technologies is internet. Internet is the global network which holds all the information in one system. Internet helps people to have all the information they want[3]. That’s why, due to internet we can do anything we want. For example, we can know

# ИҚТИСОДИЁТ

## ВА ТАЪЛИМ

# 1 2013

*Материаллар кўчириб босилаётганда «Иқтисодиёт ва таълим» журналидан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Журналда эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг тўғрилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгар ҳисобланадилар. Таҳририят фикри доим ҳам муаллифлар фикрига мос келавермайди. Таҳририятга юборилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.*

**Муҳаррирлар:** Мадумарова Г.Э., Йўлдошев З.Х.

**Компьютерчи:** Мансурова С.М.

Теришга берилди: 2013 й. 02. 15. Босишга рухсат этилди: 2013 й. 02. 20.

Бичими 70 x 108, 1/16. Офсет усулида ёзув қоғозига босилди.

Шартли босма табоғи: 10,4. Нашриёт-ҳисоб табоғи 10,0.

Адади 1000 нусха. 144- сонли буюртма.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети,  
100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй.

Мурожаат учун телефон: 232-63-44.

ТДИУ босмаҳонасида босилди